


## "Кинг Конг" кучли экан

***Германиянинг Берлин шаҳрида бокс бўйича ўта оғир вазнда Халқаро Бокс Ассоциациясининг жаҳон чемпионлиги учун россиялик Николай Валуев ҳамда пуэртоамерикалик таниқли чарм қўлқоп устаси Жон Руис ўртасида "жанг" бўлиб ўтди.***




Руис аллақачон бокс оламида ўз мавқеига эга саналувчи боксчи бўлишига қарамай, баҳс олдидан ўтказилган матбуот анжуманида ўзини биринчи бор "жанг" олиб бораётган ёш чарм қўлқоп вакилидек тутаётгани кўпчиликнинг эътиборидан четда қолмаганди. Вазн ўлчаш чоғида Валуевнинг қаршисида мактаб боласи каби қиёфа касб этган Руис ўн икки раунд давом этган беллашув мобайнида "Кинг Конг"нинг аччиқ зарбаларидан яхшигина "татиб кўрди". Гарчи Николай очколар ҳисобига ғалаба қозонган эса-да, мутахассисларнинг фикрича, унинг Руисдан яққол устун эканлиги ойдинлашди.

–Шу пайтгача рингга 43 маротаба кўтарилиб, барча жангни ўз фойдамга ҳал қилган эдим, - дея интервью берди Н.Валуев. – Руис билан ўтказган ўйиним WBA версиясида менга тенг келадиган рақибнинг ўзи йўқ эканини яна бир карра тасдиқлади. Эндиги мақсадим ҳам аниқ: WBC версияси бўйича жаҳон чемпиони Хасим Раҳмон устидан ғалаба қозониб, жаҳонда мутлақ тенгсиз эканлигимни исботлашдир.

Очколар ҳисобига баҳсни бой берган Жон Руис ҳакамлар қароридан норози эканлигини айтиб, WBA версияси жаҳон чемпионлиги камарини бермаслигини маълум қилди. Натижада камар учун "жанг"нинг иккинчи қисми бошланиб, рингга икки чарм қўлқоп устасининг мураббийлари кўтарилишига тўғри келди. Атиги бир дақиқа мобайнида давом этган ҳақиқий жанг россиялик мураббийнинг ғалабаси билан якунланиб, у пуэртоамерикалик ҳамкасбидан камарни тортиб олди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Жон Руис WBA тарихида мағлуб бўлса-да, камарни беришни истамаган иккинчи боксчи экан. Унгача афсонавий Муҳаммад Али ҳам рақиби Гарри Холмсга енгилганидан сўнг жаҳон чемпионлиги камарини бермасликка уринган.

## "Сан-Паулу" – жаҳон чемпиони

***Токиода футбол бўйича клублар ўртасида ўтказилаётган навбатдаги жаҳон чемпионати ўз ниҳоясига етди. Финалда Европа чемпионлар лигаси амалдаги ғолиби ҳисобланмиш Англиянинг "Ливерпул" жамоаси устидан кичик ҳисобда (0:1) ғалаба қозонган "Сан-Паулу" (Бразилия) клуби жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.***

ФИФА Низомига кўра, ушбу учрашувга аслида бошқа қитъа вакили ҳакамлик қилиши лозим эди. Бироқ якунда матчни бошқариш мексикалик Бенито Арчундияга топширилди. Ушбу ҳакам эса "Сан-Паулу"нинг жаҳон чемпиони бўлишига қўлидан келган "хизмат"ни аямади. "Кўҳна қитъа" вакилларининг учта ҳаққоний голини ҳисобга олмаган, битта шундоқ аниқ кўриниб турган пенальтини "Fair play" (ҳалол ўйин), дея баҳолаган Бенито Арчундия ҳакамлар туфайли нафақат ОФК, балки ФИФАнинг ўзи ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолиши мумкин эканлигини исботлаб берди.



–Мен ҳакамга ҳеч қандай эътироз билдирмайман, - дея ўз қарорини айтиб ўтди "Ливерпул" клуби устози Рафаэль Бенитес. – Гарчи ўйин яққол устунлигимиз остида кечган бўлса ҳам, ҳужум чизиғимизнинг мукаммал эмаслиги бизга панд берди. Шу билан бирга, рақиб ўйинчиларнинг ҳам "жонини жабборга берганлиги" вазифамизни янада қийинлаштирди. Ҳакам "шубҳали", деб баҳолаган голлар эса бу ўринда мушкулимизни осон қилолмасди. Демак, бизнинг мазкур мағлубиятни "ғирром" санаб, ажрма-ажр вақт ўтказишимиздан ҳеч қандай наф йўқ эканлиги ойдинлашади.

## Қуръа ташланди

***Швейцариянинг Ньоне шаҳрида Европа чемпионлар лигасининг нимчорак ҳамда УЕФА кубогининг 1/16 финал баҳсларига қуръа ташланди.***

**Чемпионлар лигаси 1/8 финал баҳслари:**
"Челси" (Англия) – "Берселона" (Испания)
"Реал" (Испания) – "Арсенал" (Англия)
"Вердер" (Германия) – "Ювентус" (Италия)
"Бавария" (Германия) – "Милан" (Италия)
ПСВ (Нидерландия) – "Лион" (Франция)



"Аякс" (Нидерландия) – "Интер" (Италия)
"Бенфика" (Португалия) – "Ливерпул" (Англия)
"Рейнджерс" (Шотландия) – "Вильяреал" (Испания)

**УЕФА кубоги 1/16 финал баҳслари:**
"Штутгарт" (Германия) – "Мидлсбро" (Англия)
"Славия" (Чехия) – "Палермо" (Италия)
"Херенфейн" (Нидерландия) – "Стяуа" (Руминия)
"Литекс" (Болгария) – "Страсбур" (Франция)
"Удинезе" (Италия) – "Ланс" (Франция)
"Шальке-04" (Германия) – "Эспаньол" (Испания)
"Брюгге" (Бельгия) – "Рома" (Италия)
"Лилл" (Франция) – "Шахтёр" (Украина)
"Бетис" (Испания) – "АЗ" (Нидерландия)
"Тун" (Швейцария) – "Гамбург" (Германия)
"Артмедиа" (Словакия) – "Левски" (Болгария).

Эслатиб ўтамиз, ушбу баҳслар уй-меҳмон тарзида ўтказилиб, УЕФА кубоги учун беллашувлар келгуси йилнинг 15-23 феврал кунларида, Европа Чемпионлар Лигаси нимчорак финал ўйинлари эса 2006 йилнинг 21-22 феврал ҳамда 7-8 март кунлари бўлиб ўтади.

**Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

# Ўчмас сабоқ

(Боши 1-бетда)

Бу мажмуада минераллар, ўсимликлар ва ҳайвонлардан тайёрланадиган 1000 хил дори-дармонлар, уларни тайёрлаш усуллари ҳамда хусусиятлари ҳақида маълумотлар бор.

*– Асар тадқиқотчиси ва таржимони сифатида унинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз?*

– Бу аслида XII асрда Хоразмшоҳ Арслонтегин Қутбиддин Муҳаммад ибн Яминуддин (1097-1128) учун тузилган тиббиётга оид машҳур китобдир. Унинг қўлёзма нусхаси мазмунан қомусий аҳамиятга эга.

Асар тўққизта асосий ва битта қўшимча китобдан иборат бўлиб, қадим тиббиёт илмининг барча йўналишларини қамраб олган. Инглиз тилида чоп этилган "Ислом энциклопедияси" маълумотларига қараганда, мазкур асарда тахминан тиббиётга оид 450 000 сўз ва атама учрайди. Журжоний уни яратишда Гиппократ, Гален, Ат-Табарий, Абубакир Розий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Нуҳ Бухорий, Али ибни Аббоси Мажусий Аҳвозий, Мисрий, Абу Саҳли Масиҳий, Абу Мансур Муваффақ Ҳиравий каби буюк алломалар таълимотиддан фойдаланган ва Ибн Синонинг "Ал-қонун фи-т-Тиб" асарига таянган. "Захираи Хоразмшоҳий"нинг XVIII асрда кўчирилган, 72 варақдан иборат тўлиқ бўлмаган бир нусхаси бизгача етиб келган.

У IX-XII асрларда форс-тожик тилида ёзилган энг машҳур илмий асар саналади. "Захираи Хоразмшоҳий" тилининг содда, равон ва оммабоплиги билан ажралиб туради. Кейинчалик уни янада оммавийлаштириш мақсадида Хоразмшоҳ вазири ал-Бухорийнинг таклифига кўра яна битта қисқартирилган варианти – "Мухтасари Хоразмшоҳий" юзага келди.

Албатта, ўша даврда ҳам тиббиёт соҳасида китоб ёзиш ўта мураккаб иш бўлган. Шу ўринда Низомий Арўзий Самарқандийнинг: "Табиб дегани Букрот, Жолинус, Закариё Розий, Абу Саҳли Масиҳий, Ибн Сино каби улуғ устодлар назарияси ва таълимотидан тўла тасаввурга эга бўлиши, уларнинг китобларини мутолаа қилиши ва ҳамиша ўзи билан бирга олиб юриши лозим", деган сўзлари Журжоний асарининг салмоғини англашга ёрдам беради.

Исмоил Журжоний асар ёзиш жараёнида тиббиёт илмининг алломалари ва устозларнинг тажрибасидан фойдаланиш билан бирга, уларни танқидий нуқтаи назардан ўрганди ва баҳо берди, улар яратган таълимотни ҳинд-у юнон ва араб тиббиёт мактаблари ютуқлари билан солиштириб, таҳлил этди.

*– Исмоил Журжонийнинг илмий мероси илгари ҳам ўрганилганми?*

– Олим А.Абдуллаев томонидан 1972 йилда "Исмаил Джуржани и Умар Чагмини – знаменитые учёные-медики древнего Хорезма" номли монография Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир-аъзоси, профессор У.Орипов таҳрири остида чоп этилган. Унда муаллиф хоразмлик олимлар Исмоил Журжоний ва Умар Чағминийларнинг Ўрта Осиё маданияти ва тиббиёт соҳасига қўшган хизмати ҳақида сўз юритган. Ушбу рисола тиббиёт тарихига оид муҳим қўлланмадир.

Ҳақиқатан ҳам XII-XIII асрларда Хоразмда яшаб ижод этган бу икки аллома ва улар қолдирган бой тиббий мерос ўрганишга арзигуликдир. Шунингдек, тиббиёт фанлари доктори А.Абдуллаев ҳамда А.Орипов томонидан 1980 йилда Тошкентда "Медицина" нашриётида "Исмаил Джуржани и его Сокровище Хорезмшаха" номли рисола ҳам чоп этилган. Унда айтилишича, мазкур қўлёзма форс тилидаги 10 та ва араб тилидаги 12 та китобдан иборат бўлган. Форс ва француз тилларида эса бу китоб ҳақида айрим тадқиқотлар амалга оширилган.

Мустақиллик шарофати билан илмий меросимизга янгича муносабатда бўлиш, унинг илғор тажрибаларини халқимизга етказиш ҳозирги шарқшунос олимларимизнинг олдидаги долзарб масалага айланган. Олимларимиз чет эллик тадқиқотчилар билан илмий ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Эронлик олимлар, Фирдавсий номидаги Машҳад университетининг профессори, филология фанлари доктори Абдуллоҳ Родмард ва Муҳаммад Тақавий жаноблари Журжонийнинг Теҳронда 1965 йилда қайта нашр этилган "Захираи Хоразмшоҳий" асарининг биринчи жилди фотонусхасини тақдим этишди.

Ундан ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган нусхалардан фойдаланган ҳолда бу ноёб асарнинг биринчи жилди таржимасини Мустақиллик байрами арафасида нашрдан чиқардик. Китоб "Шарқ" тезкор нашр маркази" томонидан чоп этилди. Шу ўринда айтиш жоизки, асарнинг илмий тадқиқоти Марказий Осиёни ўрганиш Франция институтининг молиявий кўмаги ва шахсан доктор Реми Дорнинг қўллаб-қувватлаши туфайли амалга оширилди.

*– Исмоил Журжоний ва Маъмун академияси ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?*

– Журжоний машҳур алломаларнинг ишини давом эттирди. Маъмун асос солган ушбу академия, кейинчалик Қутбиддин Хоразмшоҳ ва Отсиз Хоразмшоҳлар замонида ҳам фаолият кўрсатган. Хушсавод ва мактаб кўрган Қутбиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ илму маърифатни эл орасига ёйишдек машаққатли, бироқ эзгу иш билан машғул кишиларни доим маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши билан кейинги ҳукмдорларга ибрат бўлди. Бу эса мамлакат тараққиётига ўз ижобий таъсирини кўрсатди.

*– Асарнинг қолган қисмлари ҳам таржима қилиняптими?*

– Ҳозирда иккинчи ва учинчи китоб таржимаси устида ишлаяпмиз, насиб қилса, уларни ҳам нашрга ҳозирлаймиз.

**Суҳбатни Рустам ЁРЛАҚАБОВ ёзиб олди.**




@ АгромашХолдинг

Қишлоқ хўжалик техникаларини ишлаб чиқарувчи Россиянинг "Агромашхолдинг" компаниясининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси

фермер ва ширкат хўжаликларига

- Красноярск комбайн заводининг "Енисей" комбайнлари,
- Волгоград трактор заводи занжирли тракторлари,
- "Алтай мотор" заводи двигателлари,
- Ва Россияда ишлаб чиқарилган бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини

таклиф этади.

Сиз учун қулай нархлар ва сифатли техникалар
Ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар
Сервис ва кафолатли хизматлар

"Агромашхолдинг" ОАЖ техникалари – илғор қишлоқ хўжалиги техникаларидир!

МАНЗИЛИМИЗ: ТОШКЕНТ Ш. АБАЙ К.4А. 207, 208, 209 - ХОНАЛАР. ТЕЛ:144-61-85, ФАКС 144-60-74 e-mail: uamx@agromh.com


# Ҳасадгўйлик ёки "Нега-менга эмас?.."

(Боши 1-бетда)

Агар бир яхши одам каттароқ лавозимга тайинланса, ҳасадгўй "Тавба, шундан бошқа одам топилмабдими, кечагина гапини эплаб гапиролмасди, бугун бошлиқмиш..." деб писанда қилади ёки "Буни қаранг, отаси умр бўйи бировларнинг хизматини қилиб ўтди, камбағал, саводсиз эди. Шунча мутахассис бўла туриб директорликка шуни танлашибди?" дея ичиқоралик билан гапиради. У, айниқса, ўзидан лавозими паст, ўзи менсимайдиган одамнинг каттароқ лавозимга тайинланишини сира қабул қилолмайди. Ёки бошқа бир ҳолатни олайлик. Айтайлик, биров уй ёки машина сотиб олди. Ҳасадгўйнинг ичидаги дард асорат беради: "Ўғри, муттаҳам, маошга олди, деб ўйлайсизми? – дейди у тутақиб. – Бўлиши мумкин эмас, мансабидан фойдаланиб ишхонанинг маблағини ўзлаштирган ёки пора олган". Ҳасадгўйнинг назарида гўё ҳамма раҳбарлар ўғри ва порахўр, уларнинг орасида ҳалол кишилар йўқдай. Борди-ю, оддий одам машина ёки уй сотиб олса ҳам, оддий камбағал одам шунча пулни қаердан олди экан, деб беҳузур бўлаверади, ҳатто ҳалол йўл билан пул топаётганларга ҳам ич-ичидан ҳасад қилади.

Тўғри, раҳбар ходимлар орасида тамагирлик, порахўрлик ва бошқа нопок йўллар билан бойлик орттираётганлар йўқ эмас. Лекин ҳасадгўй улар учун очиқдан-очиқ куюнмайди, бир ибора билан айтганда, соясига салом беради, ўз манфаати йўлида улардан фойдаланиб юради. Ҳасадгўй ҳалол-пок яшайдиган, камтар-камсуқум одамнинг бойишини, мансаб-мартабага эришишини, обрў-эътибор қозонишини ёки катта истеъдод эгасининг ўсишини кўролмайди.

Бу шундай ёмон касалликки, мукофот олсангиз ҳам, ҳалол ишласангиз ҳам, тўғри сўзласангиз, катта анжуманда қатнашсангиз ҳам, ижодда тилга тушсангиз, матбуотда кўринсангиз ҳам, мансабингиз кўтарилса, мансабдан тушсангиз ҳам, тўй-маъракага борсангиз ёки бормасангиз ҳам, дўст орттирсангиз ҳам, ҳатто келинингиз ўғил туғиб, ўғлингиз институтни тугатса ҳам ҳасадгўйдан балога қолаверасиз. "Нега? Нега? Нега?.." деган саволлар унга жуда азоб бераверади. "Нега мен эмас, у?.. Нега менга эмас, унга эътибор?.. Нега унга қуюқ салом беришади?.." Булар унга ҳеч тинчлик бермайди.

– Одамларнинг одамларга қилаётган ёмонликлари ва шунинг оқибатида келиб чиқаётган барча кўнгилсизликлар, бахтсизликлар, хасталиклар илдизи ҳасадгўйликка бориб тақалади, – дейди умри давомида дуохонлик ва азайимхонликка қарши курашиб келган Тўхтабой ака. – Ака-укалар мерос, қариндош-уруғлар бойлик, қўни-қўшнилар бир парча ер, ҳамкасблар мансаб-мартаба ва обрў талашиб жанжаллашишяпти, судлашишяпти, жиноятга қўл уришяпти. Бир-бирларига эскичасига дуо ҳам қилдириб кўришади. Бунга ҳасад сабабчи. Айниқса, баъзи аёллар ўртасида бировга дуо қилиб, яъни бировга зарар етказиб ўч олишга бўлган ғаразли интилиш кучли.

– Бировнинг бахтини кўролмайдиган баъзи ҳасадгўйларчи, – дея суҳбатга қўшилади Тўхтабой аканинг умр йўлдоши Омина опа. – Ахир уларни одам деб бўладими? Бу ёмонлик ўзларининг ўғил-қизларига, невараларига қайтмасдан қолмайди. Бир куни ҳасад ўти уларнинг ўзларини ҳам куйдириб юборади. Шундай дуоларни ёзиб бераётган домлалар ва отинойиларга, фолбинлик, азайимхонлик – жодугарлик билан шуғулланадиган одамларга маҳаллада ўрин бўлмаслиги лозим. Маҳаллалар аҳли бунга, ўз тақдирларига жиддий қарашлари зарур.

Ҳавас қилган – етар, ҳасад қилган – йитар, дейилади халқ мақолида. Ҳадисда айтилганидек, қуш ҳам ўз тақдири билан учади. Ҳасадгўй ўзининг ғаразли мақсади ва шайтоний хатти-ҳаракатлари билан бировнинг тақдирини ўзгартириб юбораман, деса хато қилади. Ҳасад, аввало, ҳасадгўйнинг ўзини хароб қилади. Ҳасад билан яшаб бўладими? Биз бир-биримизга ҳавас қилиб яшасаккина, муродга етамиз.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

"Ўздонмаҳсулот" компанияси жамоаси компания раисининг ўринбосари **Анвар Ахметович РАҲИМБЕРДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси жамоаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари М.Йўлдошевга падари бузруквори **ЙЎЛДОШ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.





Ширкат, фермер хўжаликлари ва аҳоли диққатига!

Тупроқда физикавий ва кимёвий шарт-шароитлар оқибатида минерал моддалар ва витаминлар етишмовчилиги пайдо бўлади. Натижада таркиби бузилган тупроқ ўсимликларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун "AGROZYM" органик ўғитларидан фойдаланишни тавсия этамиз.

1. Ўсимликларда биокимёвий мутаносиблик пайдо қилади.
2. Барча озиқ моддаларини ўз хусусиятига кўра гидролиз қилади ва ўсимликнинг эҳтиёжи бўлган моддаларга айлантиради, уларни бузмай, органик ҳолда ўсимликка етказиб беради.
3. Тупроқ тузланиши муаммосининг ҳал этилишига ёрдам беради. Сув ва ҳавонинг тупроқда яхши сўрилишига кўмаклашади.
4. Тупроқда оз миқдорда бўлган минерал модда, витамин, органик озиқ моддалари етишмовчилиги ўрнини тўлдиради.
5. Ўсимликни турли иқлим шароитига чидамлилигини оширади.
6. Ўсимликнинг энзим ишлаб чиқариш учун сарфлайдиган энергиясини тежаб, ҳосилдорлигини оширади.
7. «Agrozym» фосфорни парчалаб, ўсимлик илдизининг ривожига ва ўсишига ёрдам беради.
8. Илдиз олиши тезлашиб, замбуруғ касалликлари ва илдиз атрофи зараркунандалари келтириши мумкин бўлган зиёнларнинг олдини олади.
9. Уруғ ҳосил бўлишини тезлаштиради.
10. Ўсимликларнинг ҳосил тўкиб юборишига тўсиқ бўлади.
11. Сифати, мазаси ва бўйини яхшилайди.
12. Қуруқ модда миқдорини кўпайтиради.
13. Тупроқ кексайишининг олдини олади. Уни яшартиради.
14. Турли экинлардан сифатли ва янада мўл ҳосил олишга ёрдам беради.
15. Маҳсулотнинг харидоргирлигини оширади.

Мурожаат учун манзил: "DAIICHI AGRO KIMYA BUSINESS".
Ўзбекистон Республикаси, 700017, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 25-уй. 11-қават, 1103-хона.
Тел/факс: (998-71) 134-59-49. e-mail: uzdaiichi@daiichi-tr.com A.DAIICHI GROUP COMPANY

"AGROZYM" органик ўғитларидан фойдаланинг!



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. Ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: М. АБДУСАМАТОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЕДГОРОВ, А. САФОНОВ
Мусаҳҳиҳ: Б. ҚОДИРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-219, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади -9375

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6